


Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 3 июнь • № 22 (835)

Ҳайъат йиғилиши

ФАОЛИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА АМАЛИЙ НАТИЖА

Жорий йилнинг 27 май куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аҳам Икрамов кириш сўзи билан очиб, истиқолимининг 20 йиллиги тўғрисида тўхталиб, ушбу давр ичида юртимизда амалга оширилган ютуқ ва муваффақиятларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, барча соҳалар каби республика тиббиёт тизимида ҳам илғимий ишлар ўз ифодасини топиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошганлигини эътироф этиб, байрам арафасида юзга яқин тиббиёт муассасаларининг ишга тушиши режалаштирилганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибда соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий масалалар кўриб чиқилди.

Биринчи масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ҳамда аттестациядан ўтказиш Республика маркази директори, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш маркази штабнинг масъул ходими А. Яркулов оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фертил ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, соғломлаштириш ҳафталиклари бўйича олиб борилётган ишлар хусусида, шунингдек, ўз ечимини топа олмаётган айрим муаммоларга тўхталиб ўтди.

Иккинчи масала юзасидан вазирликнинг даволаш ва профилактика ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи Д. Миразимов республикадаги "Намунавий қишлоқ врачлик пунктлари"нинг фаолиятини ўрганиш бўйича қилинган ишларга атофлича тўхталиб, мазкур тиббиёт муассасаларига бириктирилган масъул ходимларнинг амалдаги фаолиятларига урғу берди.

Учинчи масала бўйича Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Б. Маҳмадалиев Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ўртасида

2010-2012 йиллар учун тузилган икки томонлама Жамоа келишувининг 2010 йилдаги ижроси ва 2011 йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида ўз фикрларини билдириб, кенгаш томонидан республика тиббиёт муассасаларида хизмат қилаётган соҳа мутахассислари меҳнатини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш масалаларига эътибор қаратиб, фаолиятдаги айрим камчиликлар, яъни шифо масканларидаги хавфли шароитларда иш олиб бораётган тиббиёт ходимлари хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси масалаларига риоя қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, кун тартибидан қўшимча ўрин олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 911-сонли Қарори ва 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат Дастурининг ижроси бўйича Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган текшириш натижалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республика шифохоналарида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 156-сонли Қарори ижроси, "Андижон вилояти ДПМ фаолиятини ўрганиш натижалари", "Фарғона ва Андижон вилоятларининг ДПМ-ларидаги текширув натижалари", "Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва қонуности ҳужжатларининг Андижон вилояти ДПМ-ларидаги ижроси", "Республикада туберкулёз хизматининг ҳолати", "Республикадаги ҚВП-ларга дори-дармонларга марказлашган ҳолда сотиб олиниши ҳақида ва 2011 йил республика-миз фуқароларининг баҳорги Умра сафари яқини ҳамда Ҳаж сафарига тайёргарлик тўғрисида"ги масалалар бўйича вазирликнинг мутасадди раҳбарлари ўз фикрларини билдириб, соҳадаги муваффақиятли ишларга алоҳида урғу бериш билан бирга, айрим камчилик ва муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Кун тартибдаги масалалар атофлича муҳокама қилиниб, билдирилган фикр ва мулоҳаза ҳамда тақлифлар инobatта олинган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

«Ҳамшира – 2011»

КАСБИЙ МАҲОРАТ, ТАЖРИБА ВА ИСТЕЪДОД



Пойтахтимизда «Ҳамшира – 2011» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 11 та туман ҳамширалари ўзаро беллашдилар.

(Давоми 7-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жорий йилнинг 26 май куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг "Тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда олий тиббий таълимнинг тугган ўрни: қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни кириш сўзи билан очган соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Алимов аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда қонунчилик тизимининг тугган ўрни, амалга оширилган ислохотлар натижасида республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилганлиги, Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг жойлардаги филиаллари, туғма ногиронликнинг олдишга ихтисослаштирилган замонавий "Скрининг хизмати" ва "Перинатал" марказларининг малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётганлиги, шунингдек, тиббиётнинг хусусий сектори ривожланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

Шу билан бирга, соҳада юқори малакали тиббий кадрлар тайёрлаш мақсадида республикамизда бир қатор тиббиёт олий ўқув юртинининг фаолият юритиб келаётганлиги, шу жумладан, тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун вилоят, туман ҳамда шаҳарларда тиббиёт коллежлари ҳамда

академик лицейларнинг очилганлиги, яъни соҳада таълим мақсадли ва тизимли асосда йўлга қўйилганлиги эътироф этилди.

2007 йилда "Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинган бўлса, 2011 йил 20 май куни олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ҳамда илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари, шунингдек, мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодий соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш

мақсадида "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари З. Ботирова конференция мавзусидан келиб чиққан ҳолда ўз маърузасида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, тиббий таълимдаги айрим ўз ечимини кутаётган муаммолар, қонунларни такомиллаштириш, жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг айрим нормаларини тиббиёт соҳасининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда замон ва тиббиёт амалиёти талабларига мослаштириш ва тартибга солиш, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиш масаласига асосий эътиборни қаратиб, бу борадаги фаолиятларни ҳамкорликда олиб бориш бугуннинг асосий талабига айланаётганлигини алоҳида айтиб ўтди.

Конференция якунида иштирокчилар тақлифлари инobatта олинди, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ: ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Шу йилнинг 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда депутатлар, вазирликлар ва идоралар вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010-2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси яқунлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги ахборот кўриб чиқилди.

Таъкидлаш муҳимки, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш борасидаги дастурнинг изчил амалга оширилиши туфайли ҳисобот йилида иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари ҳамда унинг макроиқтисодий мувозанатлиги таъминланди. Шундай экан, 2010 йил яқунларига кўра мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 8,1 фоиз, чакана товар айланмаси 14,7 фоиз, пуллик хизматлар ҳажми 10,9 фоиз ўсишига эришилди. Шунингдек, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификация қилиш, маҳсулотларни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол ўзлаштириш бўйича кўрилатган

чора-тадбирлар экспорт ҳажми 10,8 фоизга ўсишини ва ташқи савдо балансининг ижобийлиги, мамлакат олтин-валюта захиралари ўсишини таъминлади. Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилиши, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмлари 13,6 фоизга ортди. Ўтган йилда 1098 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, 296 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш яқунланди. «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан қишлоқ аҳоли пунктларида намунавий лойиҳалар асосида 6800 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсишини таъминлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 953,7 мингта янги иш ўринлари яратилди. Буларнинг 65

фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳасида ташкил этилди. Ушбу ва бошқа омиллар эвазига аҳолининг реал пул даромадлари 2009 йилдагига нисбатан 23,5 фоизга ўсди. Тадбирда мамлакатда иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2010 йилда Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ амалга оширилганлиги ҳамда профицит билан ижро этилганлиги, инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмаганлиги таъкидланди.

Энг муҳими, 2011 йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджетининг ижроси яқунлари мамлакат иқтисодий ҳолатида ижобий ўзгаришлар давом этаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,6 фоизга ўсди. Иқтисодий ўсиш суръатлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,8 фоизга, чакана савдо товар айланмасини 13,1 фоизга, хизмат кўрсатиш ҳажмининг 12,6 фоизга ортиши ҳисобига эришилди. Ушбу даврда республика бўйича 145 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, товарлар ва хизматлар экспорти 28,5 фоизга ўсди, бу эса ташқи савдо айланмасининг 1224 млн. АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдосини таъминлади.

Шунингдек, йиғилишда ҳи-

сбот даврларида Давлат бюджетининг ҳаражат қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилганлигига, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашга, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, бюджет маблағларининг газна ижросини таъминлашга, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилганлиги алоҳида эътироф этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, йиғилиш давомида депутатлар юқоридагилар билан бир қаторда, ҳисобот даврларида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, айрим тармоқларда бюджет ва тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорликларнинг мавжуд бўлаётганлигига ўз эътирозларини билдириб ўтдилар. Бундан ташқари, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида"ги ва

бошқа қонунларнинг талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги оқибатида камчиликлар рўй бераётганлигига ҳам атрофлича тўхталдилар. Ушбу масала юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ахборотлари тингланди. Ва мазкур масалалар бўйича депутатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни ҳамда жойларда қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш борасида амалий таклифлар киритдилар.

Шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланишни тўғрисидаги ахборот эшитилди. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросига, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўлашини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш ҳамда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳамда тиббий-мехнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Тадбирда депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар муҳокама қилиниб, кўриб чиқилган масалалар юзасидан Кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЭЪТИБОРДА

2011 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари раҳбарлари ва Навоий вилояти ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури»ни амалга ошириш тадбирлари ижросининг бориши юзасидан ахборотлари тингланди.

Йиғилишда масъул ижрочилар томонидан Дастур тадбирларининг тегишли йўналишлар бўйича, шунингдек, ишларнинг ўз вақтида ташкил этилиши ва сифатли бажарилиши устидан назорат ўрнатилганлиги масалаларига эътибор қаратилди. Айтиш муҳимки, республикамиз миқёсида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ишларига катта эътибор қаратилиб, фаолиятлар изчиллик билан олиб борилаётганлиги ва бу йўналишда 30 та Қонун ҳамда 350 дан зиёд меъёрий ҳужжатлар ишлаб турганлигини қайд этиш мумкин. Олиб борилаётган ижобий фаолиятлар тўғрисида иштирокчилар ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, амалдаги ишлар билан бир қаторда муаммо ва камчиликларга танқидий ёндашилди. Жумладан, 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури ижросининг ташкил этилиши ва бажарилишини назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан фаолиятлар талаб дара-

жасида давом этаётганлиги ҳамда дастур тадбирлари ижроси учун ажратилган молиявий маблағлар ва моддий ресурслар, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, чет эл инвестициялари ва бюджет маблағларининг ишлатилиши бўйича мониторинг натижалари, шунингдек, дастурнинг айрим тадбирларини ижро этиш мuddатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинмасдан Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Хайъати ва Илмий-техникавий кенгаши қарорлари билан бошқа санага кўчирилмоқда. Дастурнинг бажарилиши бўйича қабул қилинган қарорларнинг жойларда (ҳудудий даражада) ижро этилиши ҳолати ўз вақтида таҳлил этилмаяпти.

Бажарилиши юзасидан маълумот эшитилаётган 13 та тадбирдан биттаси бажарилган, етита тадбирни бажариш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, тадбирлардан 5 таси ёки 38,5 фоизининг ижроси белгиланган мuddатларда бажарилмаган.

Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан ҳудудий дастур ижросини ташкил этиш ҳамда масъул ижрочилар томонидан бажарилишини назорат қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, ҳудудий дастурга киритилган 37 та тадбирдан бугунги кунда 8 тасининг ижроси таъминланган, 22 та тадбирнинг бажарилиши юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ҳудудий дастурда белгиланган 7 та (19 фоиз) тадбирнинг бажарилиши бўйича ишлар олиб борилаётган бўлиб, улардан: 2 таси ("Навоий шаҳрида 1978 йилда ишга туширилган биокимёвий тозалаш иншоотларини (азротенк) реконструкция қилиш", "Зарафшон дарёси чап қирғоқ кесма зовурини қуриш ва Навоий шаҳар оқова ва зовур сувларини Оёқ-Оғитма чўқурлигига йўналтириш") бўйича ишлар ҳанузгача бошланмаган. Эшитув яқунлари бўйича тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан мониторинг, бошқарув ва назорат самарадорлигини ошириш, Дастурни амалга ошириш механизмининг янада такомиллаштириш ҳамда мазкур соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ИСЛОҲОТ ЖАРАЁНЛАРИ

Жорий йилнинг 24 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Журналистларнинг ислохотларга оид биллиmlарини ошириш бўйича" ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда босма, телерадио, интернет нашрлари вакиллари, бир гуруҳ олимлар ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Тадбирни академия ректори Қ. Назаров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунлариданок, ҳар бир соҳада ўзига хос ўзгаришлар бошланиб, шу кунга қадар, яъни истиклолимизнинг 20 йиллиги арафасида эришилган ютуқларга тўхталиб, Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган одилона сиёсат ўзининг махсулини бераётганлигини алоҳида таъкидлади. Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов эса жамиятимизда демократик жараёнлар изчиллик билан олиб бораётганлигини, айниқса, ахборот эркинлигини таъминлаш борасидаги фаолиятларга атрофлича урғу бериб, бугунги кунда юртимизда 1200 тадан ортиқ оммавий ахборот воситалари нашр этилаётганлигини ҳамда мазкур соҳага оид 10 дан ортиқ Қонунлар қабул қилинганлигини, бунинг баробарида эса Юртбошимизнинг журналистлар меҳнатига бўлган эътибор ва ташаббуси туфайли «Олтин қалам», «Йилнинг энг яхши журналисти», «Энг улуғ, энг азиз» каби кўриктанловларнинг таъсис этилганлигини эътироф этди. Таъкидлаш муҳимки, кейинги йилларда республикамизда босма нашрлар бир ярим баробарга, электрон ахборот воситалари сони 7 баробарга кўпайгани қувонарли ҳолдир. Се-

минар давомида сўз олган мутахассислар Президентимиз томонидан таклиф этилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Муҳими шундаки, концепцияда белгилаб берилган соҳага доир қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатидаги мавқеи янада ошишига асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, бугунги тезкор давр ҳар бир журналистдан катта масъулият талаб этаётганлиги бежиз эмас. Аввало, дунёдаги воқеалар, глобаллашаётган жараёнлар, турли ахборотларнинг кескин кучайиб бораётганлиги, соҳа мутахассисларини ҳушёрликка ва огохликка даъват этади. Зеро, биз журналистлар мустақиллик йилларида амалга оширилган муваффақиятларимизни халқимизга, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятига тўғри ва холисона етказишда астойдил меҳнат қилиб, Ватанимиз равнақи учун бор истеъдодимизни ишга солишимиз лозимдир.

Мазкур семинар давомида журналистиканинг муҳим босқичлари хусусида соҳа мутахассислари, шунингдек, иштирокчилар ўзаро фикр алмашдилар. Бундай тадбирлар бугунги кун журналистининг қалби уйғоқ, фикри эса теран бўлишига ундаши шубҳасиздир.

Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.



Ўзбекистон
Республикаси



Жаҳон
банки



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни яхшилаш
Глобал Альянси

№ 3

2011 й.

«Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health-2», «Women and Child Health Development» and «National flour fortification program» Projects
Проекты «Здоровье-2», «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»



Ислоҳот жараёнлари

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Бугунги кунда бирламчи тиббий хизмат тизимида ишлар кўлами кенг тарзда олиб борилмоқда. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамшираларнинг астойдил меҳнатлари туфайли аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилиб, касалликларнинг олди олинмоқда. Президентимизнинг мазкур йўналиш ҳамда чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган инсонлар саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари туфайли давр талабидаги қишлоқ врачлик пунктларининг бунёд этилиши ҳамда замонавий технологиялар билан жиҳозланиши, шунингдек, малакали кадрлар фаолияти аҳолига янада қулайлик туғдираётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-1-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари ҳамкорлигидаги фаолиятлар жараёнида қишлоқ врачлик пунктларидаги ишлар янада изчиллик билан олиб борилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати кундан-кунга яхшиланмоқда. Республикамиз бўйлаб ўз нуфузига эга бундай жараён халқаро экспертларнинг муносиб эътирофига сазовор бўлмоқда. Шундай экан, бугунги кунда қайси қишлоқ врачлик пунктига борманг, ишларнинг тезкорлик билан олиб борилаётганлигига гувоҳ бўласиз.

Ана шундай ўзгариш ва янгиланишларни Андижон вилоят Бўз туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Янги қишлоқ», «Озод» ва «Янгиобод» қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур ҚВПлардаги асосий эътибор аҳоли саломатлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда бирламчи тиббиёт тизimini юқори босқичга кўтаришга қаратилган.

– Давлатимиз раҳбарининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган Қарори ҳамда мазкур йўналишда 2009-2013 йилларга мўлжалланган махсус дастури ижросини таъминлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси ҳузурда «Репродуктив саломатлик штаби» ташкил этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад – оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғ-

лом оилани шакллантириш ва жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлган авлодни вояга етказишдан иборатдир, – дейди Бўз туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Зафар Турғунов. – Штаб ишларини режали ташкил этиш мақсадида 9 нафар бош мутахассисдан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, кундалик мониторинг олиб борилмоқда. Тумандаги барча қишлоқ врачлик пунктларига тиббиёт бирлашмасининг малакали мутахассислари бириктирилган бўлиб, улар ёрдами билан аҳоли саломатлиги тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тумандаги мавжуд 16 та қишлоқ врачлик пунктлари қайта жорий таъмирдан чиқарилди. Кўпчилик ҚВПлар «Саломатлик-2» лойиҳаси кўмагида янги қиёфа кашф этиб, тўлиқ жиҳозланди. Бунга мисол қилиб «Янги қишлоқ» қишлоқ врачлик пунктини кўрсатиш мумкин. 5000га яқин аҳолини ўз ҳудудига бирлаш-

тирган муассаса ходимлари халқимиз саломатлигини яхшилаш борасида муайян ютуқларга эришмоқдалар.

– Муассасамиздаги мавжуд 2610 нафар аёл туман тиббиёт

ЭЪТИРОФ

Фахр билан айтиш кераки, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларининг замона талаблари даражасида фаолият олиб бораётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Айниқса, аҳолининг узоғи яқин бўлиб, улар ҚВПда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари меҳнатидан мамнун бўлмоқдалар. Ҳадемай, мустақиллигимизнинг 20 йиллигини кутиб олар эканмиз, шу давр мобайнида Президентимизнинг бирламчи тиббиёт тизимига қаратган эътибор ва ғамхўрликлари боис, қишлоқларда замонавий тиббиёт масканларининг ташқи кўриниши, унинг ичидаги жиҳозлар ва малакали ходимларнинг фаолиятдаги ўрни мақтаса арзигулик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаларининг саъй-ҳаракатлари туфайли аҳоли ана шундай қулайликларга эга бўлди. Шу жумладан, Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли қишлоқ врачлик пунктларидаги фаолиятлар ҳам бундан мустасно эмас.

Маҳмуд ШОКИРОВ,
ўқитувчи.




бирлашмаси мутахассислари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди. Туғруқ ёшидаги 1100 нафар аёлга эса алоҳида эътибор қаратилиб, улар саломатлигини назорат қилиш бўйича режали дастур ишлаб чиқилди. 14 ёшгача бўлган 1159 нафар бола имунизация ҳафталиги ва белгиланган режа бўйича оммавий тарзда эмланди, – дейди ҚВП умумий амалиёт ҳамшираси Раънохон Қорабоева. – Қувонарли томони шундаки, ҚВПмизда барча дори-дармонлар етарли миқдорда берилган, шунингдек, янги типдаги микроскоп, дистиллятор, автоклав, электрокардиограмма, УВЧ, дарсонваль ва дезинфекция воситалар тайёрловчи «Санер» ускунаси ўрнатилди. Ундан ташқари, икки нафар шифокор ва 15 нафар патронаж ҳамшира қишлоғимиз аҳолисига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Хусусан, ҳамширалар доимий равишда

аҳоли орасида турли мавзуларда давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказмоқда. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли тиббий хизмат кўрсатиш сифати ижобий томонга яхшиланиб, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи ва эътибори ошиб бормоқда. Яна бир муҳим масала шундаки, ҚВП ходимлари кўпроқ аёллар саломатлигини яхшилаш мақсадида контрацепция воситаларини тўғри ва мақсадли қўллаш борасида кўпгина ишларни бажармоқдалар. Айниқса, бачадон ичи воситалари, ихтиёрий жароҳлик контрацепция тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Шунингдек, ҚВП тиббиёт ходимлари аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва тиббий саводхонликни ошириш мақсадида ўрта таълим мактабларида, коллеж ўқувчи ёшлари орасида даволаш-профилактика чора-тадбирларини олиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида туман тиббиёт бирлашмасининг барча ходимлари юксак муваффақиятларга эришиш йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Бу борада мақсадлар муштарак, яъни халқ саломатлиги ва уларнинг тиббий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини оширишдан иборатдир.

Т. ҒАФУРОВ,
Андижон вилояти.





Осуществляемые в республике широкомасштабные реформы существенно изменили статус учреждений здравоохранения. Устанавливаются новые экономические и правовые отношения с государственными органами, производственными партнёрами, между руководителями организаций, руководителями и подчинёнными, а главное – со своими работниками внутри учреждения.

Время перемен предъявляет совершенно новые требования к вопросам управления здравоохранением. В новых экономических условиях проблема эффективного управления ресурсами является одной из наиболее актуальных в системе здравоохранения. В качестве важнейших критериев эффективности управления можно рассматривать положительные изменения конечных результатов деятельности медицинских учреждений – стабильность, положительная динамика основных показателей деятельности, удовлетворенность населения качеством медицинской помощи, внедрение новых технологий, низкая текучесть кадров, реализация целевых программ.

В период глубоких социально-экономических преобразований, происходящих в обществе и системе здравоохранения, особую значимость приобретает оптимизация управления кадровыми ресурсами – важнейшей составляющей стратегического развития отрасли. Кадры – единственный вид ресурсов, который со временем не только не теряет своей исходной стоимости, а приобретает более высокую ценность за счет накопления профессиональных навыков и знаний. Медицинские кадры, являясь главной, наиболее ценной и значимой частью ресурсов здравоохранения, в конечном итоге обеспечивают результативность и эффективность деятельности не только всей системы здравоохранения в целом, но и отдельных ее объектов и структур.

Наиболее распространенной схемой управления человеческими ресурсами в рамках концепции кадрового менеджмента можно считать схему, предложенную М. Х. Мескон с соавторами (2000), включающую в себя следующие этапы:

1. Планирование ресурсов: разработка плана удовлетворения будущих потребностей в людских ресурсах.
2. Набор персонала: создание резерва потенциальных кандидатов по всем должностям.
3. Отбор: оценка кандидатов на рабочие места и отбор лучших из резерва, созданного в ходе набора.
4. Определение заработной платы и льгот: разработка структуры заработной платы и льгот в целях привлечения, найма и сохранения служащих.
5. Профориентация и адаптация: введение нанятых работников в организацию и ее подразделения, развитие у работников понимания того, что ожидает от него организация и какой труд в ней получает заслуженную оценку.
6. Обучение: разработка программ для обучения трудовым навыкам, требующим-

ся для эффективного выполнения работы.

7. Оценка трудовой деятельности: разработка методик оценки трудовой деятельности и доведение ее до работника.

8. Повышение, понижение, перевод, увольнение: разработка методов перемещения работников на должности с большей или с меньшей ответственностью, развитие их профессионального опыта путем перемещения на другие должности или участия работы, а также процедура прекращения договора найма.

9. Подготовка руководящих кадров: управление продвижением по службе, разработка программ, направленных на развитие способностей и повышение эффективности труда руководящих кадров.

Управление кадрами системы здравоохранения осуществляется как на уровне органов управления здравоохранения, при которых существуют организационные структуры по кадровой службе, так и на локальном уровне, представленные конкретными лечебными учреждениями.

Одним из важнейших элементов успешного управления персоналом является правильная



организация системы кадрового документооборота в учреждении. Профессиональная организация работы кадровых служб в области управления, делопроизводства, правовых отношений имеет важное значение для повышения эффективности работы учреждения и его взаимодействия с другими структурами отрасли. Для этого работник кадровой службы должен знать требования к кадровым документам и порядок ведения кадровых документов, очень важно знание трудового законодательства.

Для правильной организации и оформления кадровой документации в медицинском учреждении в рамках проекта «Укрепление здоровья женщин и детей» подготовлено методическое пособие «Справочник специалиста по работе с кадрами». Методическое пособие предназначено для специалистов отделов

УПРАВЛЕНИЕ ПЕРСОНАЛОМ В УЧРЕЖДЕНИЯХ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

кадров и посвящено вопросам кадрового менеджмента и делопроизводства в учреждениях системы здравоохранения. В справочнике описаны основные функции управления персоналом, повышения квалификации и аттестации медицинских работников. Приводятся образцы документов, необходимых в делопроизводстве, показан сам делопроизводственный процесс, включая оформление и движение документов, контроль исполнения, ведение трудовых книжек, архивирование кадровых документов. Также в приложении дается необходимая информация по вопросам трудового законодательства, которая по-




Рассматриваются вопросы по системному подходу к подбору персонала. Как правильно оформить трудовые отношения (прием на работу, увольнение, перевод, дисциплинарное взыскание, внесение записей в трудовую книжку). Как не допустить нарушений при увольнении работников, переводе на другую работу, изменении условий трудового договора, установлении материальной ответственности сторон. Сроки хранения документов, порядок подготовки документов в архив и работа с архивами. Как с помощью коллективных договоров, соглашений предупреждаются и урегулируются трудовые конфликты в организациях. Кроме того кадровой службе в своей работе приходится взаимодействовать с различными государственными структурами, проверяющими органами, отвечать на запросы как сторонних организаций, так и собственных сотрудников, готовить им различные справки.

Своевременное и грамотное решение этих вопросов и многих других правовых аспектов трудовых отношений имеют важное значение для повышения эффективности работы медицинского учреждения в целом. Для этого кадровик должен быть не просто работником, а образованным высокопрофессиональным менеджером и подсказывать руководителю правильные шаги в области управления персоналом.

Современные условия развития здравоохранения требуют от руководителей глубокого понимания и профессиональной компетентности, которая включает не только наличие знаний и опыта, но и умение распорядиться ими в ходе реализации своей профессиональной деятельности.

Т. ХАКИМОВ,
начальник Управления по работе с кадрами Министерства здравоохранения Республики Узбекистан,
С. АБДУРАХИМОВА,
специалист СБРП «Здоровье-2» и «Укрепление здоровья женщин и детей» по финансированию и управлению.

БИР ТОМЧИСИ ҲАМ ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ЗАРУР



бўлимлари тайёрлаган донор қони марказлаштирилган ҳолда вилоят 1-сон қон қуйиш марказида трансмиссив инфекцияларга текширилиб, компонентларга тақсимлаб, сўнг ДПМларга берилиши таъкидланган. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2010 йил 8 ноябрдаги 627-у сонли буйруғига асосан 17 та қон қуйиш бўлими қон қуйиш хоналарига айлантирилди. Вилоят, шаҳар ва туман марказий шифохоналари қон қуйиш бўлими бошлиқлари иштирокида вилоят 1-сон қон қуйиш маркази мутахассислари ҳамкорлигида ҳар ойнинг 30-санасида “Хавфсиз донор



Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кундан-кунга ошиб бормоқда. Айниқса, қон хизматига янги технологиялар кириб келиши, қон донорлиги хавфсизлигини таъминлаш борасида меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, мазкур хизмат бўйича барча зарурий қонуний асослар яратилганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти ҳамда унинг вилоятлардаги марказларида ҳам замон талаблари даражасида фаолиятлар олиб борилмоқда.



Шавкат МИРЗАЕВ, донор, Самарқанд вилояти:

– Бундан бир йил олдин беғараз донор сифатида ушбу марказга қон топширган эдим. Муассасанинг олдинги ва ҳозирги шароитини таққослайдиган бўлсак, донорлар учун яратилган қулайликлар замон талабига жавоб бера олади. Айниқса, донорлар учун мўлжалланган креслолар, хизматдаги тиббий ходимларнинг ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари ҳар бир мижозни бефарқ қолдирмайди. Қўшимнинг фарзандига қон керак бўлганлигини эшитиб, ўз хоҳишим билан қон топширдим. Айниқса, қон топшириш жараёнидаги донорлар учун ажратилган замонавий махсус тиббий асбоб-ускуналар нафақат қон топширишимиз, балки қонимизни тозалаш хусусиятига эга эканлиги ҳам мени қувонтирди.



қони” мавзусида семинар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 21 апрелдаги 01-4-201-сонли “Ўзбекистон Республикасида беғараз донорлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги дастурига асосан, 2008 йил 28 майдаги 04-3-4-696-сонли чора-тадбирлар режаси тузилган ва шу асосда ишлар олиб борилмоқда. Айтишим муҳимки, марказимизда қуйидаги бўлимлар мурожаат этувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда: донорлар бўлимида қон топшириш учун келганлар кўрикдан ўтказилади, яъни қон



Эътироф этиш жоизки, Юртбошимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан республикада аҳолига гематологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда қон хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шунингдек, бугунги кунда институтнинг қон хизмати марказларидаги филиалларнинг давр талаби даражасида фаолият олиб бораётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Яна шуниси муҳимки, Осиё тараққиёт банки томонидан институт ва унинг вилоят қон хизмати марказлари янги технологиялар билан таъминланганлиги, ишларнинг янада самарали кечишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу жумладан, Самарқанд вилоят 1-сон қон қуйиш марказидаги фаолиятлар бундан мустасно эмас. Марказимиз мутахассислари иштирокида вилоятда бадалсиз донорлардан қон тайёрлаш мақсадида 2011 йил январь, февраль, март ва апрель ойлари якуний даври мобайнида 98 марта гуруҳ то-

монидан давлат қон хоналарига чиқиб, 1724 та бадалсиз донордан 668,572 литр қон тайёрланди. Вилоятда бадалсиз донорларни кўпайтириш мақсадида қон қуйиш соҳаси ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Вилоятимизда 1 та қон қуйиш маркази ва 2 та қон қуйиш бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2007 йил 7 июндаги 169-сонли “Вилоят қон қуйиш муассасаларини реструктуризация қилиш ва донор қонининг тарқибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги буйруғи ишлаб чиқилиб, унга асосан 2007 йил 1 июндан вилоят, шаҳар ва туман марказий шифохоналари қон қуйиш




топширишга ҳеч қандай монелик бўлмаса қон топширишга рухсат этилиб, донорлик карталари тўлдирилади ва қон тайёрлаш бўлимига ўтказилади. Иккинчи қон тайёрлаш бўлими замонавий аппаратлар (биомиксер-тарози, донорлар креслоси, қоннинг пластик идишларини пайвандловчи ва қонни тарқибий қисмларга ажратувчи плазма ҳамда цитоферез) билан таъминланган бўлиб, до-

норлардан бир мартабалик пластик идишларда қон тайёрлайди. Учинчи қонни қайта ишлаш бўлимида қонларни қисмларга ажратиш учун замонавий центрифуга аппаратлари, узоқ муддатга сақлаш учун музлаткич ва совутгичлар ҳамда тезда музлатувчи шокли музлаткич аппаратларидан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда ушбу бўлимда эритроцитар масса, ювилган эритроцитар масса СЗП плазма ҳамда криопреципитатлар тайёрланмоқда. Лаборатория бўлимида қонлардан олинган таҳлиллар қон орқали юқадиган инфекцияларга, яъни ОИТС, гепатитнинг В ва С турларига, захм, қораоқсоқ ва жигар ферментларига текширилади. Албатта, беғараз донорликни янада жадаллаштириш мақсадида сайёр бригада бўлими жойларга бориб, бадалсиз донорлар ташкил этиб, улардан қон захиралари тайёрлайди.

Марказимизда «Вилоятимиз қон хизматини янги тизимга ўтишини ҳамда беғараз донорликни ривожлантириш ва даволаш муассасаларида қон қуйиш жараёни хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш» мавзусида вилоятнинг 14 нафар трансфузиологига 16 соатлик ўқув-семинар ўтказилди.

Муассасамизда барча шароитлар яратилган бўлиб, янги технологиялар билан фаолият юритиш ишларимизни энгиллаштирмоқда. Бундай хизматлардан аҳоли мамнун бўлмоқда. Шундай экан, беғараз донорликни янада ривожлантириб, аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтиришимиз муҳим, деб биламан.

**Р. АЛИЕВ,
Самарқанд вилоят 1-сон қон қуйиш
маркази бош врач.**



В помощь врачу общей практики РОЛЬ СЕМЕЙНОГО ВРАЧА В ДИАГНОСТИКЕ ЗАБОЛЕВАНИЙ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ У ЛИЦ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА

Среди пожилых пациентов отмечено большое число недиагностированных форм нарушения функционального состояния щитовидной железы (ЩЖ), что связано со сглаживанием клинических симптомов заболевания. Семейный врач должен помнить, что тиреотоксикоз у лиц старше 60 лет составляет 6-11%, гипотиреоз – 5-17,5% в зависимости от этнической принадлежности, пола, содержания йода в пище. У пожилых намного труднее



диагностировать гипертиреоз, поскольку повышенная раздражительность, нервозность, тремор, глазные симптомы, характерные для лиц молодого возраста, у них отсутствуют. Снижение массы тела на фоне снижения аппетита создает необходимость исключения патологии желудочно-кишечного тракта. На первый план выступает кардиальная патология, которая нередко манифестирует пароксизмом фибрилляции предсердий, сердечной недостаточностью, неэффективностью антиаритмической терапии. ЩЖ у лиц пожилого возраста с гипертиреозом увеличена у 60%, масса ЩЖ с возрастом уменьшается, снижается интенсивность кровоснабжения железы. Больных могут беспокоить боли в груди, напоминающие стенокардию, систолическая артериальная гипертензия (АГ). Развитие фибрилляции предсердий является потенциальной угрозой тромбоза и инсультов. Следовательно, в связи с трудностями клинической диагностики заболевания семейный врач должен направить больного для определения тиреотропина (ТТГ), который будет незначительно повышен, с последующим определением Т₄. Обязательно учесть, какие препараты получает больной, функция ЩЖ может повыситься от препаратов, содержащих большое количество йода (кордарон). Гипертиреоз может быть связан с болезнью Грейвса и другими ауто-

иммунными заболеваниями (ревматоидный артрит, системная красная волчанка), с подострым тиреоидитом. Главными причинами пониженной функции ЩЖ у лиц пожилого возраста являются аутоиммунный тиреоидит, предшествующие операции на ЩЖ, облучение шеи и головы, лечение анти-тиреоидными препаратами, недостаток йода, поступающего с пищей. Трудность в диагностике гипотиреоза создает слабая выраженность клинических симпто-

мов. У больных старшей возрастной группы часто наблюдаются невротические проявления, психические расстройства в виде депрессии, нарушения поведения, снижения когнитивной функции. Наличие анемии, экстрасистолии, фибрилляции предсердий, болей в сердце, выпад в перикард, повышение уровня диастолического артериального давления, увеличение уровня креатинфосфокиназы, лактатдегидрогеназы создают массу других диагнозов. Отсутствие диагностики гипотиреоза ведет к неправильному и бесперспективному лечению. Задачей врача общей практики является определение уровня ТТГ у всех женщин старше 50 лет, при неясном диагнозе и нарушениях ритма у мужчин, проведение ультразвукового исследования ЩЖ, при определении в ней узлов направление на биопсию для исключения опухолевого процесса. Врач общей практики (семейный врач) как ни один врач другой специальности должен знать наследственность пациентов, их прежнее место проживания, перенесенные заболевания, препараты, используемые ими, учитывая все изложенное проводить своевременную диагностику и соответственно правильное лечение заболеваний ЩЖ, воспитывать в пациентах приверженность к длительному лечению гипертиреоза и, возможно, пожизненной заместительной терапии гипотиреоза.

Т. ЗИНЬКОВСКАЯ,
Пермская государственная
медицинская академия
им. Е. А. Вагнера, Россия.

Патронаж ҳамшираларга амалий ёрдам СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Ҳамширалик аралашуви	Асос
Сурункали касаллиги бор беморларга касбий парвариш ўтказиш, сифатли тиббий ёрдамнинг муҳим қисми эканлигини патронаж/оила ҳамшираси тушуниши лозим.	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти барча касалликларнинг 60 фоизи сурункали касалликлар эканлиги ҳақида маълумот берган.
Патронаж/оила ҳамширасининг мақсади, сурункали касаллиги бор беморларнинг соғлиги ва яшаш шароитини яхшилаш ёки сақлашга қўмаклашиш ҳисобланади: - беморларни ўз соғлиғига тегишли барча жабҳаларда фаол иштирок этишига ёрдам бериш; - умумий мақсад қўйиш ва муаммоларни ҳал қилишда қўмаклашиш; - даволаш бўйича асосли қарор қабул қилинишида уларга ёрдам кўрсатиш; - мижозларни ўз саломатлигининг ҳолати бўйича ўқитиш; - саломатликнинг сурункали ҳолатларида пайдо бўладиган кунлик муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларига беморларни ўқитиш.	Тадқиқотларнинг кўрсатишича, маълумот олган ва парваришга жалб қилинган мижозларда асоратланишнинг пасайиши ва соғлиқни сақлаш тизими ишидан қониқиш даражаси оғтар экан. Сурункали касалликлари бор бўлган мижозлар ҳамширанинг давомий парваришига муҳтож бўлмайдилар.
Патронаж/оила ҳамшираси беморлар ўз ҳолатини тиклашида ёрдам бериши лозим: - мижоз аҳолини ижобий томонга ўзгаришига ишонтириш; - мижоз бажара оладиган кўникмаларга эътиборини қаратиш; - ҳаётига қувончли дақиқаларни киритиш. Патронаж/оила ҳамшираси қуйидаги ҳолатларда мижоз ўз аҳолини осонроқ уддалашини тушуниши керак: - бемор ҳолати учун ўзини айбдор деб уйла-маслиги керак; - ҳолатини уддалай олишига ишонч билан қараши лозим; - барча оила аъзоларининг талабларига ҳозир-жавоб ва тушунадиган бўлишга ҳаракат қилиш.	Мижоз ҳаётидаги муаммоли ҳолатлар туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган стрессларнинг олдини олиш ёки камайтириш мақсадида. Мижоз сурункали касалликлар ҳаётининг яна бир босқичига ўтиш ҳолати деб қараши ва унга мослашиши керак бўлади.
Патронаж/оила ҳамшираси бемор оила аъзоларига депрессияни енгилда ёрдам бериши лозим: - беморни қўллаб-қувватлаш; - кўпинча ҳиссиётни кўрсатмаслик учун куч керак бўлади; - беморнинг депрессия ҳолатидан кўрқмаслигини оила аъзолари ва дўстларни хабардор қилиш; - хурсандчилик ва ўзини керакли ҳис қилиш, кўпинча депрессия ҳолатидан чиқишга ёрдам беради.	Оила аъзолари ва дўстлар сурункали касаллиги бор инсонлар учун депрессия ва тушкунлик ҳолатларининг рўй бериши одатий ҳол эканлигини тушунишлари лозим. Бироқ умидсизлик (масалан, яшашни давом эттиришдан маъно йўқ) ҳолатига жиддий қараш керак. Умидсизлик меъёрий ҳолат ҳисобланмайди ва аралашувни талаб қилади.
Ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш учун патронаж ҳамшира қуйидагиларни бажариши керак: - бемор ва унинг оила аъзолари билан ижобий ҳамкорликни йўлга қўйиш; - самарали коммуникатив усулдан фойдаланиш.	Қийин ҳолат ва касаллик белгилари, яъни кўрқув, ёлғиз қолиш, оғриқ ҳамда чарқоқни енгилда мижоз атрофида яқинларининг бўлиши, ҳамшира ва мижоз ўртасида ишончли муносабатнинг ўрнатилиши ёрдам беради.
Патронаж/оила ҳамшираси бажариши керак: - сурункали касаллиги бор беморга ёрдам бериш бўйича оила аъзолари ва дўстларни ўқитиш ҳамда заруратга қараб уларни назорат қилиш.	Сурункали касаллиги бор беморнинг оила аъзолари ва дўстлари уни парвариши бўйича кўп вазифаларни бажарадилар. Унинг аҳолини яхшилайдиган парваришни ўтказиш муҳим.
Патронаж/оила ҳамшираси қуйидаги ҳолатларда шифокордан беморни кўриб келишни сўраши керак: - беморнинг аҳоли кутилмаганда ёмонлашиши аниқланса; - унинг ҳаётига хавф солувчи ҳар қандай белгилар пайдо бўлса; - даврий ёки доимий инфекцияланиш кузатилса; - умумий касалликнинг доимий кечмаслиги ёки даволашига тананинг бошқача жавоб бериши.	Ҳамшира шифокор маслаҳатига мурожаат қилганида, унинг сабаблари ва муҳимлик даражасини аниқ тушунтириб бериши керак.
Патронаж/оила ҳамшираси соғлиқни сақлаш-ни бошқариш ва сурункали касаллиги бор беморлар ҳамширалар томонидан парвариш қилинишида кўп тармоқли гуруҳ фаолиятига ёрдам бериши лозим.	Кўп тармоқли гуруҳ сурункали касаллиги бор беморларни баҳолаш ва тиббий-санитария ёрдамнинг бошқарилишида муҳим роль ўйнайди.
Сурункали касаллиги бор мижозлар учун гуруҳий сеанслар ўтказилишида ёрдам бериши лозим.	Беморларни қўллаб-қувватловчи гуруҳлар касаллик ва ногиронлик бўйича маълумот билан таъминлайдилар, шунингдек, оиланинг ҳар кунлик талабини қондирувчи мавжуд ресурсларни тушунтирадилар. Чунки, бу сурункали касаллиги бор бемор ва уларнинг оила аъзоларига катта ёрдам беради.

Совместное бюро реализации
проектов «Здоровье-2»,
«Укрепление здоровья женщин и
детей».
Исполнительный директор
Ж. А. Жабриев.
100007, г. Ташкент, ул.

Паркентская, 51,
ТашИУВ, административный корпус,
3-й этаж.
Контактные телефоны:
268-08-19, 267-73-47.
Факс 268-25-39,
E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.

Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА ва Намоз ТОЛИПОВ тайёрлади.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

«Хамшира – 2011»

КАСБИЙ МАҲОРАТ, ТАЖРИБА ВА ИСТЕЪДОД

Анъанага айланиб бораётган «Хамшира» кўрик-танловининг республика миқёсида ўтказиб келинаётганлиги хамшираларнинг билим савияларини ошириш билан бирга, улар ўртасида меҳр-мурувват ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкам боғламоқда. Аввал хабар қилинганидек, юртимизнинг барча вилоятларида мазкур танловнинг якуний босқичлари ўтказилиб, республика босқичига муносиб номзодлар танланмоқда. Ана шундай тадбирнинг Тошкент шаҳар босқичи Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.

зифаларни тиббиёт қонун-қоидаларига риоя этган ҳолда, беморга муолажа ўтказиш ва уларни парвариш қилиш, муаммоларини аниқлаб, саломатлигини яхшилаш, шунингдек, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш нечоғлиқ муҳим эканлигини кўрсата олдилар. Эркин мавзудаги шарт

ва натижаларига кўра, фахрли биринчи ўрин Учтепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 3-сон стоматология поликлиникаси хамшираси Саодат Тоировага насиб этди ва у республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўринга Шайхонтохур туманидаги шаҳар 1-сонли клиник шифохонаси хамшираси Нодира Раҳматуллаева

Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика маънавият-тарғибот маркази, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Кенгаши, шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бир қанча ташкилотларга ўз



Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Б. Мамажонов республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган ишларга урғу бериб, соҳага оид чиқарилаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатларнинг амалга ошишида хамширалар меҳнати катта эканлигини таъкидлади. Шунингдек, ушбу тадбирнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, қанчадан-қанча билимдон хамшираларнинг истеъдод қирраларини кашф этишда муҳим омил бўлаётганлигини эътироф этди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танловнинг биринчи шартига кўра, хамширалар ўзлари фаолият юритаётган тиббиёт муассасалари ва у ердаги шарт-шароитлар, келажак орзулари ҳақида ҳикоя қилувчи шеърий жумлалар, сахна кўринишларидан иборат топшириқни аъло даражада бажардилар. Шунингдек, назарий ҳамда ижтимоий-сиёсий саволларга хамшираларимиз чаққонлик ва зукколик билан жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Кўрик-танловнинг амалиёт қисмида 11 нафар хамшира беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича бор билим ва имкониятларини ишга солди. Улар топширилган ва-

бўйича хамширалар иккинчи истеъдод қирраларини намойиш этиб, нафақат иштирокчилар, балки адолатли ҳайъат аъзоларининг ҳам муносиб эътирофига сазовор бўлдилар.

Таъкидлаш муҳимки, барча туманларда голибликни қўлга киритган қизлар билим ва маҳорат борасида бир-бирларидан асло қолишгани йўқ. Кимдир амалиётда, яна кимдир эркин мавзуда ўз билимларини қойилмақом даражада кўрсата олдилар. Бу албатта, уларда инсонийлик, камтарлик ва меҳрибонлик фазилатлари мужассам эканлигини ифода этади.

Ҳайъат аъзоларининг кузатув

ҳамда учинчи ўринга Яккасарой туман шаҳар 3-сонли юкумли касалликлар шифохонаси хамшираси Умида Қосимова сазовор бўлишди ва ташкилотчиларнинг махсус совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

– Ҳар бир шартни катта ҳаяжон билан бажардим. Айниқса, амалиётдаги вазифаларни устозлар олдида бекаму кўст адо этиш бироз машаққатли туюлсада, лекин клиникада олган билим ва тажрибаларим менга қўл келди. Энди республика босқичида ҳам Тошкент шаҳри номидан иштирок этиб, муносиб ўринларни олишга ҳаракат қиламан. Шу фурсатдан фойдаланиб,

миннатдорчилигимни билдириб қоламан, – дейди биринчи ўрин соҳибаси Саодат Тоирова.

Бу йилги «Хамшира – 2011» кўрик-танловининг Республика босқичига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Барча вилоятлардан танланган муносиб номзодлар ягона мақсад сари беллашадилар. Ишонимизки, бу тадбирлардан ҳар томонлама билимли, чаққон ва ўз касбининг моҳир хамширалари саралаб олинади. Намоз ТОЛИПОВ. Анвар САМАТХОДЖАЕВ олган суратлар.

Конференция

МАРКАЗНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида республика миқёсида тиббиёт муассасаларида турли мавзулардаги тадбирларнинг ўтказиб келинаётганлиги, истиқлол йилларида амалга оширилган самарали ишларнинг ёрқин ифодасига айланаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, жорий йилнинг 27-28 май кунлари Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 50 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари С. Сайдалиев, вазирликнинг даволаш ва профилактика ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи Д. Мирзаимов, Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаевлар муассасанинг 50 йиллик тарихи хусусида ўз фикрларини бил-

дириб, айниқса, мустақиллик йилларида шифо масканининг тубдан ўзгарганлиги, шунингдек, замон талаблари

казда узоқ йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган хирургия бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди



даражасида фаолият олиб бораётганлиги, янги технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланганлиги тўғрисида тўхталиб ўтдилар. Шу ўринда марказ бош врачлари Х. Матлюбова ва жамоа ходимларининг ҳам меҳнатлари эътироф этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари С. Сайдалиев марказида узоқ йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган хирургия бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди

Ш. Бабакаланов, марказ бош хамшираси Г. Мамутова, марказ дорихона мудири Г. Маҳмудова, марказ бош врачининг хирургия ишлари бўйича муовини, тиббиёт фанлари номзоди Ш. Норқўзиёвларга вазирлик томонидан тақдим этилган «Соғлиқни сақлаш аълочилиги» кўкрак нишонини топширди. Шунингдек, бир гуруҳ ходимларга вилоят ҳокимлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари берилди.

Семинар давомида «Хирургиянинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда республика, вилоятлар ҳамда туманлардаги тиббиёт муассасалари ва тиббиёт институтидан мута-

хассислар иштирок этди. Шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида хирургия соҳасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари қатнашиб, мураккаб операция жараёнларини амалга ошираётганликлари ва бу борадаги ишлар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ушбу тадбирда мазкур тиббиёт масканида кўп йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари ҳам сўз олиб, марказнинг ўтмиши ва бугуни тўғрисида гапириб, фаолиятдаги шогирдларининг ишларига омадлар тилашди.

Тадбир давомида иштирокчиларга марказ тўғрисидаги тарихий фильм намойиш этилди.

Ибодат СОАТОВА.



дириб, айниқса, мустақиллик йилларида шифо масканининг тубдан ўзгарганлиги, шунингдек, замон талаблари

казда узоқ йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган хирургия бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди

— Обуна — 2011 —

Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –

Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2011 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.

Ҳурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матни «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, uzss@yandex.ru, uzss@inbox.ru манзилига хатлар йўллашнинг мумкин.

Спорт

ЁШЛАР ЧЕКИШГА ҚАРШИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1988 йилдан буён 31 май – Бутунжаҳон чекишга қарши кураш кун сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Шу муносабат билан барча мамлакатларда мазкур сана олди-дан тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий спорт мусобақалари, давра суҳбатлари ва кенг қамровли жамоатчилик тадбирлари ўтказиб келинади.

Юртимиз тиббиёт тизими мутахассислари томонидан ҳам



ҳар йили 31 май кун аҳоли орасида ижтимоий йўналишдаги тадбирларни ўтказиш яхши анъанага айланган. Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан «Биз спорт орқали чекишни энгамиз!» шiori остида спорт марафони ташкил этилди.

Бизга маълумки, тамаки чекиш ва унинг тутунидан ажраётган захарли моддалар, нафақат инсон ҳаётини, балки атрофдагилар саломатлигига ҳам жиддий хавф тугдиради. Бу каби салбий иллатларга берилиб кетмаслик учун доимий равишда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, оммавий чекишга қарши

курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масалалари фуқаролар, хусусан ёшлар онгига сингдириб борилади. Ана шундай тадбирларни тез-тез уюштириб туришда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ходимларининг алоҳида хизматлари бор. Чунки, филиал мутахассислари доимий равишда таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотларида бўлиб, ижтимоий долзарб мавзуларда маърузалар, семинар-тренинглар ўтказадилар. Айниқса, «Ёшлар чекишга қарши», «Биз соғлом юрт фарзандларимиз», «Спорт – саломатлик ва гўзаллик рамзи» шiorлари остида оммавий спорт мусобақалари

ўтказиш тобора кенгайиб бормоқда.

– Ўтказилаётган тадбир ҳар йилгидан кўра фарқ қилади. Спорт марафонида Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежи ва академик лицейларда таҳсил олаётган 112 нафар иштирокчи фаол қатнашди. Бундан кўзланган асосий мақсад талаба ёшларни спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилган ҳолда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборатдир. Чунки, соғлом турмуш тарзига амал қилган, мунтазам спорт билан шуғулланган ёшлар онгини тамаки чекишдек зарарли одатлар эгаллай олмайди. Улар ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Шу сабабли ўқувчиларни соғлом ва баркамол тарбиялашда ўйлашманки, ана шу каби спорт тадбирларининг аҳамияти беқиёс бўлади, – дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори Э. Маракаева.

Югуриш бўйича бўлиб ўтган марафонда кўпчилик ўқувчилар ташкилотчиларнинг қимматбахов савгалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Таъкидлаш муҳимки, спорт марафони 31 май кун «Пахтакор» стадиони ҳудудида бўлиб ўтди.

Намоз ТОЛИПОВ.

ВСЕ НА СТАРТЕ

29 мая в Ташкенте состоялся Республиканский «Олимпийский день бега - 2011», в котором приняли участия около 1000 любителей бега, организованный Национальным Олимпийским комитетом Республики Узбекистан при активной поддержке Генерального спонсора – компании «Coca-Cola ichimlig LTD».

Этот спортивный праздник собрал людей разных национальностей, возрастов и социальных групп, в том числе представителей дипломатического корпуса, аккредитованных в Узбекистане



не (Казахстан, Англия, Корея и другие).

Самыми юными участниками, бежавшими вместе с родителями, были 2-летние Майкл Джой, ташкентец Давид Ширинян и 3-летняя Элис Джей, а также Лутфуллахон Хусанходжаев. Из ветеранов выделялся 93-летний ташкентец, фронтовик Иван Павлович Митякин, который постарался в своей возрастной категории пробежать вторым.

Все участники и призеры забега получили дипломы, подарки и возможность зарядиться энергией.

А.ПОПОВ.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилишни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилади.

Жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида доимий рўйхатда турган, шифокорлик дипломига эга бўлган фуқаролар мурожаат этиши мумкин.

Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиш талаблари асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: 291-59-02, 291-93-06.

ЭЪЛОН!

2011 йил 2 июль кун соат 10.00 да Тошкент тиббиёт академияси (эски ТошМИ) мажлислар залида институтнинг Санитария-гигиена факультетини 1986 йили тугатган шифокорларнинг 25 йиллик учрашуви ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:

(8-371) 237-80-65,
(+99890) 189-43-60, (+99897) 111-20-47,
111-58-25, 792-10-95, 401-97-29.

Зайниддин ҚОДИРОВ.

ЭЪЛОН!

Андижон Давлат тиббиёт институтининг доволаш факультетини 1975 йили тугатган тиббиёт ходимларининг 36 йиллик учрашуви Андижон шаҳрида ўтказилиши муносабати билан барча курсдошларнинг кўнғироқларини кутиб қоламан.

Мурожаат учун телефонлар:

(8-365) 552-38-86 (уй),
(+99890) 299-80-27 (мобиль).
Тоҳир Муродович РАСУЛОВ.

Полезные советы

УКРЕПЛЕНИЕ НОГТЕЙ

В период садово-огородной страды в особом уходе нуждается не только кожа рук, но и ногти.

Для лечения ломких, слоющихся ногтей полезно делать укрепляющие их ванночки. В небольшую миску налейте теплой воды, подсолите ее, накапайте несколько капель йода, размешайте и погрузите туда руки. Продолжительность процедуры – 10-15 минут. После ванночки руки смажьте кремом.

ГИПЕРТОНИЯ

Если сильно повысилось артериальное давление, рекомендуется к пяткам положить марлевый бинт, смоченный столовым 6-9-процентным уксусом. Затем нужно следить за давлением: как только оно снизится, примочку сразу же снять! Долго держать ее нельзя. Этот метод считается очень эффективным.

Подготовила Л. ВОЛОШИНА.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қашқадарё вилояти Косон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи **Ҳакимжон Файзиевич БОБОРАЖАПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича бошлиғи Марат Фотиҳович Содиқовга падари бузруквори **ФОТИХ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Газета

муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ

Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кун рўйхатта олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 9482 нусха.
Буюртма Г-650.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.